ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARI BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR MINISTRLIGI

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ VETERINARIYA HÁM SHARWASHÍLÍQTÍ RAWAJLANDÍRÍW KOMITETI

SAMARQAND MÁMLEKETLIK VETERINARIYA MEDICINASÍ, SHARWASHÍLÍQ HÁM BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI NÓKIS FILIALÍ

VETERINARIYA MEDICINASÍ HÁM SHARWASHÍLÍQTAǴÍ AKTUAL MASHQALALAR HÁM OLARDÍŃ SHESHIMLERI

atamasındaǵı xalıq aralıq ilimiy hám ilimiy-texnikalıq konferenciya materiyalları TOPLAMÍ

15-noyabr 2024-jıl

"VETERINARIYA MEDITSINASI VA CHORVACHILIKDAGI DOLZARB MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI" mavzusidagi xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik anjuman materiallari

TO‘PLAMI

15-noyabr 2024-yil

СБОРНИК материалов

международной научно и научно-технической конференции

"АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ И ЖИВОТНОВОДСТВА И ИХ РЕШЕНИЯ"

15 ноября, 2024 г

NÓKIS-2024

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARI BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR MINISTRLIGI

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ VETERINARIYA HÁM SHARWASHÍLÍQTÍ RAWAJLANDÍRÍW KOMITETI

SAMARQAND MÁMLEKETLIK VETERINARIYA MEDICINASÍ, SHARWASHÍLÍQ HÁM BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI NÓKIS FILIALÍ

VETERINARIYA MEDICINASÍ HÁM SHARWASHÍLÍQTAǴÍ AKTUAL MASHQALALAR HÁM OLARDÍŃ SHESHIMLERI

atamasındaǵı xalıq aralıq ilimiy hám ilimiy-texnikalıq konferenciya materiyalları TOPLAMÍ

15-noyabr 2024-jıl

"VETERINARIYA MEDITSINASI VA CHORVACHILIKDAGI DOLZARB MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI" mavzusidagi xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik anjuman materiallari

TO‘PLAMI

15-noyabr 2024-yil

СБОРНИК материалов

международной научно и научно-технической конференции

"АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ И ЖИВОТНОВОДСТВА И ИХ РЕШЕНИЯ"

15 ноября, 2024 г

NÓKIS-2024

Xulosa. Hozirgi kunda Respublikamizda piroplazmidoz kasalliklari keng tarqalgan, mavsumiy, transmissiv protozoy kasallillari qatoriga mansub bo‘lib, chorvachilikka katta zarar yetkazib kelmoqda. Yuqorida keltirilgan ma’lumotlarni inobotga olgan holda, oxirgi yillarda olib borilgan tadqiqot natijalariga tayanib teylerioz kasalligini davolash va oldini olishning yangi, zamonaviy usullarini ishlab chiqishimiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1.Parazitologiya i invazionnыe bolezni selskoxozyaystvennыx jivotnыx. K.I.Abuladze, M.: Agropromizdat, 1990.

2.A.O‘rmanov. Teylerioz kasalligini davolash va uni oldini olish chora-tadbirlari TIQXMMI” Milliy tadqiqot universiteti qarshi irigatsiya va agrotexnologiyalar instituti“O‘zbekistonning janubiy hududlarida qishloq xo’jalikmahsulotlarini yetishtirish saqlash va qayta ishlashning muammo va istiqbollari”mavzusida anjuman Qarshi 2024.

3.Parazitologiya fanidan amaliy va laboratoriya mashg‘ulotlari. P.S.Haqberdiyev, Sh.X.Qurbonov, Toshkent, 2015.

4.Veterinariya protozoologiyasi va araxnaentomologiyasi. P.S.Haqberdiyev, F.B.Ibragimov, Samarqand, 2020

5.Qoramol piroplazmidozlarini davolash va oldini olish chora-tadbirlari. P.S.Haqberdiyev,D.X.Nishonov, “Veterinariya meditsinasi” ilmiy-ommabop jurnali 2020 №154, 24-25-bet

6.Qoramollarning piroplazmidoz kasalliklarini davolashda yangi preparatlarni qo‘llash usulini takomillashtirish. P.S.Haqberdiyev “Zooveterinariya” jurnali 2013 №7-8 ,21-22-bet

7.Piroplazmidozlarning epizootik holati va qarshi kurashish chora-tadbirlari. To‘xtamishevN., Bobonazarov E. Samarqand-2021.

ЎЗБЕКИСТОНДА БАЛИҚЛАР ГЕЛЬМИНТЛАРИНИ ЎРГАНИЛИШ ҲОЛАТИ

Жақсиликова Г.Қ.[1], Сарсенбаев И.Е.[1], Дильманова А.И.[2]

[1]Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали

[2]Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Кириш. Дунёда балиқчилик хўжаликлари озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Балиқларнинг юқори серпуштлиги, уларнинг тез ўсиши ва уларни кўпайтиришда харажатнинг камлиги ҳамда балиқ маҳсулотларига талабнинг кундан кунга ошиб бориши сабабли балиқчиликни янада ривожлантириш ва махсулдорлигини оширишни тақазо этмоқда. Ховуз хўжаликларида балиқларни кўпайтириш ва парваришлашда ҳамда улар маҳсулотлари сифатининг пасайишида гельминтлар асосий омиллардан бири ҳисобланади. Инвазион касалликлар балиқлар ўртасида кенг тарқалган ва маданий ва саноат балиқчилигида катта иқтисодий зарар

келтиради, қимматли балиқ турларининг акклимитизациясига салбий таъсир қилиб, кўп ҳолатларда уларнинг нобуд бўлишига олиб келади. Шунга кўра, йиртқич балиқлар организмида паразитлик қилувчи гельминтлар тур таркибини аниқлаш ва гельминтозларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда балиқчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш, балиқчилик ва балиқ овлаш хўжаликлари фаолияти самарадорлигини ошириш, ушбу соҳада ер ва сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда интенсив технологияларнинг кенг жорий этилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўзбекистонда балиқлар гельминтларини тур таркиби, кенг тарқалган ва балиқчиликка зарар келтирувчи вакилларини ўрганиш ҳолати ва кўп йиллар давомида олиб борган тадқиқот ишлар ҳамда мутахассис олимлар томонидан соҳа бўйича чоп этилган ишлар натижаларини таҳлил қилишдир.

Тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари. Ўзоқ йиллар давомида Республикамизнинг турли минтақаларида, балиқчилик хўжаликларида академик К.И.Скрябиннинг (1928) тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган гельминтологик ёриб кўриш усуллари билан тадқиқот ишлари олиб борилган.

Тадқиқот натижалари ва уларни таҳлили. Олиб борилган тадқиқот натижасида ўзоқ йиллар давомида Республикамизнинг турли минтақаларида балиқчилик хўжаликларида, табиий ва сунъий сув ҳавзаларида балиқлар гельминтларини ўрганиш мақсадида олиб борилган тадқиқот ишларнинг натижалари ҳамда бу йўналишда тадқиқот ишларини олиб борган кўплаб гельминтолог олимларимиз томонидан чоп этилган илмий мақолалар, монографиялар, ҳимоя қилинган диссертациялар чуқур таҳлил қилинди.

Республикамизда балиқлар организмида паразитлик қилувчи гельминтлар, эктолпаразитлар ва паразит содда ҳайвонлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлиб, тадқиқот ишлари асосан Ороль денгизида олиб борилган.

О.С.Османов (1975) Орол денгизидаги балиқларнинг паразит фаунасидаги узоқ муддатли ўзгаришларни таҳлил қилган. Натижада орол денгизи балиқларида 215 тур паразитларни аниқлаб, шундан 23 тур паразитлар иқлимлаштирилган балиқларда учрашини қайд этган. Кўплаб балиқ паразитлари динамикаси озуқага боғлиқлигини аниқлаган.

А.И.Курбонова, А.Н.Уразбаев, О.Ю.Юсупов (2002) Жанубий Орол денгизи минтақасида юқори босим таъсирида баъзи балиқ турларининг паразитлар фаунасидаги ўзгаришларни кузатишган. Балиқлар паразитофаунаси инсон таъсири остида назорат қилиниши, балиқ паразити турлари, доимий юқори зарарланиш даражасига эга патоген турлар, балиқ касаликларини қўзғативчилар ва экологик омилларини изоҳлаб беришган.

С.Б.Каримов (2007) Фарғона водийсида балиқлар паразитларини инвентаризация қилган. Тадқиқот ишлари олиб борилган худудда 11 та янги турлар қайд этилган. Муаллиф Фарғона водийси сув ҳавзалари балиқларида

115 тур паразитларни қайд этган (паразит содда ҳайвонлардан - 32 тур, моногенеялардан - 47, ясси чувалчанглардан - 17, юмалоқ чувалчанглардан - 8, тиканбошлилардан - 3, зулуклардан - 2 ва кисқичбақасимонлардан – 6).

Э.Б.Шакарбоев (2009) Ўзбекистон сув ҳавзаларида 5 туркум, 11 оила ва 16 авлодга мансуб 29 тур трематода турларини қайд этган. Уларнинг 18 тури вояга етган шаклда ва 11 тури личинкалик босқичида паразитлик қилиши маълум бўлган. Трематодалар балиқларнинг 6 туркумида паразитлик қилиши исботланган.

Г.Б.Алламуратова (2011) Хоразм ҳавза ҳўжалиги балиқ паразитлари ва уларга қарши курашиш йўлларини таҳлил қилиб, балик касалликлари, доминант паразит турлари, инвазия интенсивлиги ва экстенсивлиги, касалликни даволаш усуллари тўғрисида илмий маълумотлар берган.

Р.Караев, С.Дадаев, Х.Хакбердиева (2016) Мирзачўл канали балиқларининг паразит фаунасини ўрганган. Текширилган 152 экз. балиқларда 58 тур паразитларни аниқлаган. Оддий лаққада 23 тур, плотвада 18 тур, карасда 12 тур, сазанда 7 тур туркистон усач балиғида 5 тур паразитлар аниқланилган. Сирдарё вилояти сув ҳавзалари балиқларининг паразитар касалликлари, балиқ турлари, гельминт турларини изоҳлаб берган.

Б.Алламуратов, Г.Б.Алламуратова (2016) қатор сув ҳавзалари балиқлари паразитларини зоогеографик таҳлил қилган. Балиқлар гельминтлари зоогеографик жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаганлигига эътибор қаратилган.

Ф.Э.Сафарова (2017) Ўзбекистоннинг шимоли – шарқий қисми сув ҳавзаларида карпсимон балиқлар гельмиинтлари тур таркибининг замонавий ҳолатини ўрганган ва уларда 3 тип, 4 синф, 15 туркум, 26 оила ва 36 авлодга мансуб 49 тур гельминт паразитлик қилишини қайд этган. Буларнинг аксарияти йиртқич балиқларда ҳам учрашлиги адабиётлардан маълум.

Г.Б.Алламуратова (2017, 2018) Хоразм балиқ ҳўжаликларининг паразитофаунасини ўрганиб, Хоразм балиқ ҳўжаликларида 79 тур паразитларни аниқлаган. Саёд-ёп каналида 54 тур, балиқчилик ҳўжаликларида 67 тур, коллекторларда 28 тур, кўлларда 12 тур балиқ паразитларини қайд этган. Хоразм ховуз хўжалликлари балиқлари паразитозлари эпизоотологик хусусиятлари ўрганилган ва гельминтозларнинг олдини олиш чора тадбирлари ишшлаб чиқилган.

А.И.Курбанова ва б., (2018, 2019, 2020) Қорақолпоғистон Республикасининг баъзи сув ҳавзалари балиқлари паразитофаунасининг хилма-хиллигини ўзгаришини ўрганганиб, паразитларнинг тур таркиби, зарарланишнинг инвазия интенсивлиги ва инвазия экстенсивлиги тўғрисида маьлумотлар келтирган. Сув сатҳининг пасайиши, шўрланишнинг ортиши ва Оролбўйи сув ҳавзалари деградацияси натижасида кўп паразитларнинг тарқалиш худудлари қисқарганлиги ва улар хўжайинлари миқдорининг камайганлиги таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқотларда Амударёнинг қуйи оқимидаги 4 турдаги йиртқич балиқларнинг паразитлар фаунасидаги ўзгаришлар, балиқларнинг паразитлар билан зарарланиши юқори бўлган

патоген турлар, касаллик қўзғатувчилари ва ҳудуднинг экологик шароитлари тўғрисида сўнгги маълумотларни келтириб ўтган.

3.Б.Алламуратова ва б. (2021) Амударё қуйи оқими сув ҳавзалари балиқлари паразитлари фаунаси ва экологияси ўрганилган. 13 та гуруҳга мансуб 70 тур паразитлар қайд этилган.

Хулоса. Илмий адабиётлар таҳлилида тадқиқотчиларнинг балиқлар гельминтлари тур таркибини, балиқларнинг зарарланиш даражасини, гельминтозларнинг сув биоценозларида тарқалишини ҳамда инвазияни профилактика қилиш бўйича изланишлар олиб бориш борисида қизиқишлари юксак эканлигини кўрсатмоқда. Адабиётлардаги мавжуд материаллар фрагментар характерга эга ва ўтган асрда бажарилган ишлар ҳисобига тўғри келади. Шу сабабли, бугунги кунда балиқлари гельминтлари турлари хилма-хиллигининг замонавий ҳолатини аниқлаш, турлар рўйхатини тузиш, доминант турларнинг биологияси ва экологиясини тадқиқ этиш, эпизоотик аҳамиятга эга турларни ўрганиш ва улар популяциялари миқдорини чеклаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий аҳамияти ўта юқори ҳисобланади.

Фойдаланган адабиётлар

1.Алламуратова Г.Б. Хоразм ҳавза ҳўжалиги балиқ паразитлари ва уларга қарши курашиш йўллари. Автореф. дисс. … канд.биол.наук. – Тошкент, 2011.-20 б.

2.Алламуратова Б.А., Алламуратова Г.Б. Зоогеографический анализ паразитов рыб бассейина р.Туполанг, Каратаг, Сурхандарьи в пределах Таджикистана и Узбекистана. // Паразитология. Москва, 2016. – С. 990-994.

3.Алламуратова Г.Б. Паразитофауна рыб Хорезмского прудового хозяйства. // Принципы и технологии экологизации производства в сельском, лесном и рыбном хозяйстве. Часть III. Рязань, 2017. –С. 19-21.

4.Алламуратова Г.Б. Эпизоотологическая изменчивость паразитов рыб Хорезмского прудового хозяйства и практические меры борбы с ними. // Научно-технический прогресс в сельскохозяйсвенном производстве. Великие луки, 2018. –С. 94-97.

5.Allamuratova Z.B., Allamuratova B., Allamuratova G.B. Ecological analysis of the parasite fauna of valuable and coarse fish in the lower reaches of the Amudarya delta. // Annals of the Romanian Society for Cell Biology. ISSN 1583-6258. Romania,2021. P.13418-13427.

6.Каримов С.Б. Паразиты рыб ферганской долины.: Автореф. дис. докт. биол. наук. – Ташкент: ИЗ АН РУз. 2007 -34 с.

7.Караев Р., Дадаев С., Хакбердиева Х. Паразитофауна рыб Мирзачульских каналов // Guliston davlat universiteti axborotnomasi. - Гулистан, 2016. -№1. -С.44-52

8.Курбонова А.И., Уразбаев А.Н., Юсупов О.Ю. Изменения паразитофауны некоторых видов рыб Южного Приаралья под влиянием антропогенного пресса. // Vestnik zoology / - Москва, 2002. –С.29-34.

9.Курбанова А.И., Туремуратова Г.И., Уразымбетова Н.П., Кунисов Б.М. Паразитофауна рыб некоторых водоемов республики Каракалпакстан. “Теория и практика современной науки”. // Москва,2018. №4(34). –С.34-40.

10.Курбанова А.И., Пиржанова А.М., Кунисов Б.М. Современное состояние паразитофауны рыб бассейнов Аральского моря. // Теория и практика современной науке. Москва, 2019 №2(44). –С. 35-41.

11.Курбанова А.И., Нуруллаев А.К. Особенности паразитофауны хищных видов рыб низовьев реки Амударьи // Путь науки. Волгоград, 2020. №6. (76). – С.8-11.

12.Османов О.С. Многолетние изменения паразитофауны рыб Аральского моря // Паразитология, IX, 6. –Москва, 1975. –С.476-485.

13.Сафарова Ф.Э. Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий сув ҳавзалари Cyprinidae оиласи балиыларининг гельминтлари: Биол. фан. б.ф.д. (PhD). дисс. - Тошкент, 2017. - 119 с.

14.Скрябин К.И. Методы полных гельминтологических вскрытий позвоночных, включая человека. – М.-Л.: Изд. МГУ, 1928. – 45 с.

15.Шакарбоев Э.Б. Трематоды позвоночных Узбекистана (видовой состав, пути циркуляции и эколого-биологические особенности): Дис. … док. биол. наук. - Ташкент: ИЗАН РУз, 2009. - 243 с.

QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ QUSSHÍLÍQ XOJALÍQLARÍNDA MAREK KESELLIGINIŃ JASQA BAYLANÍSLÍ DINAMIKASÍ

Abatbaeva A.M.[1], Arziyev X.Yu.[1], Axmedov B.N.[1], Murodov X.U[2].

[1]Samarqand mámleketlik veterinariya medicinasi, sharwashılıq hám biotexnologiyalar universiteti Nókis filialı

[2]Veterinariya ilimiy-izertlew institutı

Annotatsiya. Qus arasında Marek keselliginiń tarqalıwı, sonıń menen birge, onıń etiologik faktorları úyrenildi. Sol maqsette Qaraqalpaqstan Respublikasınıń 8 fermer xojalıǵında qus arasında ushraytuǵın juqpalı kesellikler boyınsha epizootik jaǵday tekserildi. Olar qusshılıq ferması veterinariya xızmeti xızmetkerleriniń usınısına kóre sınaqtan ótkeriw ushın tańlap alındı. Fermer xojalıǵında barlıq qus klinikalıq kórikten ótkerildi, nawqaslar izolyatsiya etildi hám emlendi, ólgen yamasa májbúriy soyilǵan qus patologikalıq tekseriwden ótkerildi. Veterinariya, sanitariya, ot-jem, qawipsizlik ilajları qanday islengeni menen tanıstıq. Kesellikler epizootologik, klinikalıq, patologikalıq, bakteriologik hám virusologik IFA tekseriwleri tiykarında anıqlanǵan nátiyjeleri keltirilgen.

Annotatsiya. Изучалась распространенность болезни Марека среди домашней птицы, а также ее этиологические факторы. Для этого была проверена эпизоотическая ситуация на инфекционные заболевания, встречающиеся среди птицы в 8 хозяйствах Республики Каракалпакстан. Для проверки отбирались по рекомендации работников ветеринарной службы птицефабрик. На заводах все птицы проходили клиническое обследование,